



LIABILITY FOR DAMAGES CAUSED BY DRUGS

Saidov Shokhruxkhon Muzaffarovich

Head of the Department of Legal science of NUU, Doctor of Philosophy
in Legal Sciences (PhD)

E-mail: shoxruxxonsaidov793@gmail.com

Qodirova Guzal Qodir qizi

National university of Uzbekistan, Department of social science,
Jurisdiction: business law 2nd year student
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11118516>

ARTICLE INFO

Received: 30th April 2024

Accepted: 06th May 2024

Online: 07th May 2024

KEYWORDS

Counterfeiting,
pharmaceuticals,
pharmaceutical crime, liability,
recommendations,
entrepreneurs, drug,
pharmacological control.

ABSTRACT

This article discusses the issues of responsibility for the production of counterfeit drugs, the sale of low-quality drugs and the consequences of their acceptance, the regulation of the pharmaceutical production process as a separate link, the main elements of controlling the number of fake drugs in the world, and several proposals are put forward within the framework of the topic.

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Саидов Шохруххон Музаффарович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
“Хуқуқий фанлар” кафедраси
мудир в.б

Қодирова Гўзал Қодир қизи

Ўзбекистон Миллий университетининг
Юриспруденция: бизнес хуқуқи йўналиши 2-босқич талабаси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11118516>

ARTICLE INFO

Received: 30th April 2024

Accepted: 06th May 2024

Online: 07th May 2024

KEYWORDS

Контрафакт,
фарматсевтика,
фармасевтика жинояти,
жавобгарлик, тавсиялар,
тадбиркорлар, дори,
фармакологик назорат.

ABSTRACT

Ушбу мақолада контрафакт дори воситаларини ишлаб чиқариш учун жавобгарлик масалалари, сифатсиз дори воситаларининг сотуви ва уларни қабул қилиш оқибатлари, алоҳида бўғин сифатида фарматсевтика ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш, дунёда сохта дорилар сонини назорат қилишнинг асосий элементлари ҳақида сўз юритилиб, мавзу доирасида бир неча таклифлар илгари сурилган.

Бугунги кунда маҳсулотларни қалбакилаштириш, “тадбиркорлик”нинг бир шакли бўлиб қолди десак хато қилмаймиз. Сабаби, дўконларимизга, дорихоналарга кўз ташласак турли номдаги маҳсулотларни кўрамиз ва аксар ҳолда уларни бир-биридан



ажратиш қийин ҳисобланади. Учар “тадбиркорлар” ҳамма нарсанинг уддасидан чиқишади. Хоҳ у дори воситаси бўлсин, хоҳ озиқ-овқат ёки қийим барчаси учун контрафакт ишлаб чиқараверадилар. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва у орқали келиб чиқадиган оқибатлар эса, даромад топишдан кейинги ўринга, балки ундан кейингисига ҳам тушиб қолади. Хўш ўзи контрафакт нима?

Контрафакт – маҳсулотларни қалбакилаштириш билан боғлиқ, фирибгарликнинг бир шакли. Ушбу ноқонуний фаолият юритишнинг кўп усуллари мавжуд. Шулардан бири бу – дори воситаларини қалбакилаштириш ҳисобланади. Қонунчилигимизда сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш ёки тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан жуда кўп назорат қилинмайдиган даромад олиш каби жиноий ҳолатларга ҳам жавобгарлик мавжуд. Бироқ, жавобгарлик чоралари ҳар қанча белгиланмасин, ушбу фаолият билан шуғулланувчилар учраб турибди. Ушбу масала дунё миқёсида глобал ҳисобланади. Сабаби у инсонлар ўлими ёки тузатиб бўлмас соғлиқдаги ўзгаришларга олиб келувчи йирик таҳдиддир. Дунё статистикасига қарайдиган бўлсак, 2021 йилда 6000 га яқин фарматсевтика жинояти қайд этилган. Бу 2020 йилга нисбатан 38 фоизга кўп. Энг катта рақамлар эса Шимолий Америкада (2,442), Осиёда (1,747), яқин Шарқда (705), Европада (374) ҳисобланади. ЖССТнинг маълумотларига кўра, ўрта ва паст даромадли мамлакатларда муомалада бўлган дори воситаларининг 10 фоизи сифатсиз ёки қалбакилаштирилган. Албатта бу аниқ якуний рақамлар эмас. Сабаби сифатсиз дори маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сотиш билан боғлиқ жиноятларнинг аниқланмаганлари аниқланганларидан кўп бўлиши мумкин.

Дунёда сохта дорилар сонини назорат қилишнинг асосий элементларидан бири бу тартибга солишдир. Унда айниқса, алоҳида бўғин сифатида фарматсевтика ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш муҳим. Юртимизда ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.01.2022 йилдаги “2022-2026 йилларда Республиканинг фарматсевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-55-сонли фармони, 23.01.2024-йилдаги “Фарматсевтика соҳасини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-20-сонли фармонларининг қабул қилинганлигини келтириб ўтишимиз мумкин. ПФ-20-сонли фармон билан дори воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ потенциал хавф-хатарларни тезкор аниқлаш ва уларга жавоб беришга қаратилган, халқаро стандартлар талаблари асосида фармакологик назорат тизими доирасида “Зарур фармакологик назорат амалиёти — ГВП” стандарти жорий этилди. Бунгача мамлакатимизда “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (ГМП)”, “Зарур дистрибьюторлик амалиёти (ГДП)” ва “Зарур фарматсевтика (дорихона) амалиёти (ГПП)” талаблари ҳам мавжуд эди.

Юқорида биз истеъмолчиларга етказиладиган зарар борасида кўпроқ контрафакт ишлаб чиқариладиган дори воситалари ҳақида сўз юритдик. Лекин бугунги кунда



расмий рўйхатдан ўтган компаниялар томонидан сифатсиз дори воситалари ишлаб чиқарилиш ва уларни сотувга чиқариш каби ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Мисол сифатида, “Док-1 Макс” дори воситаси сотуви ва унинг оғир оқибатлари ҳақида айтиб ўтишимиз мумкин. Ушбу дори воситасидан болаларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши, бир қанчасининг ногирон бўлиб қолганлиги ҳолатлари кузатилган. “Соғлиқни сақлаш вазирлиги текширувларига кўра, Ҳиндистоннинг Марион Биотеч Пвт. Лтд компаниясига тегишли “Док-1 Макс” таблетка ва сиропи Ўзбекистонда 2012 йилдан рўйхатга олиниб, шу йилдан савдога чиққан. Фарматсевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги маълум қилишича, ҳар бир дори сериялари текширилиб, уларга мувофиқлик сертификати берилган. Ўзбекистонга ушбу препарат Қурамах Медисал МЧЖ томонидан импорт қилинган”. Лаборатория текшируви натижаларига кўра, ушбу дори воситаси серияси таркибида этиленгликол моддаси ҳам мавжуд бўлиб, у меъёридан ортиқ ҳисобланган. Бунинг ортидан Қурамах Медисал МЧЖнинг лицензияси бекор қилиниб, ушбу ҳолатга сабабчи бўлган мансабдорларга жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу жиноий қилмишнинг ортидан нафақат болалар ўлими келиб чиққан, балки бу ҳолат тиббиёт тизими, умуман олганда сертификатлаштириш, рухсат бериш ва лицензиялаш тизимида бир қанча иллатларнинг мавжудлигини яна бир кўрсатиб берди. Хусусан, “Газета.уз” нашрига кўра, “Док-1 Макс”ни беморларга тавсия қилиш учун шифокор ва дорихоначиларга пул тўлаб келинган”, “Док-1 Макс” сиропи қайта рўйхатдан ўтказилаётганда ГМП сертификати бўлмаса ҳам, сотувига рухсат берилган”. Суд иши сўнгида ушбу ҳолат билан боғлиқ жиноят иши доирасида судланувчиларга нисбатан тегишли жазо чоралари ва жабрланувчиларга компенсация миқдорлари белгиланган. Ушбу ҳолат жиноий жавобгарлик келтириб чиқариши мумкинлиги билан бир қаторда фуқаролик ҳуқуқига ҳам даҳлдор ҳисобланади. Сабаби, дори воситаларини харид қилиш бевосита олди-сотди шартномаси объекти дейишимиз мумкин. Дори воситаларининг сифатсизлиги эса шартнома мажбуриятлари бузилганлигини кўрсатади. Шартнома мажбуриятлари фуқаролик ҳуқуқи тартибга соладиган муносабатлар қаторига киради ва унинг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар ушбу ҳуқуқ соҳасида кўрсатиб ўтилган.

Мамлакатимизда қилмиш учун жазо муқаррар эканлиги аниқ. Лекин бизнинг асосий мақсадимиз ўша қилмишларнинг содир этилишини олдини олиш ҳисобланади. Юқоридаги ҳолатлар бизда қон-қонимизгача сингиб кетган таниш-билишлик, қоидаларга тўлиқ риоя этмаслик каби салбий иллатларнинг машъум оқибатларини кўрсатиб берди. Биргина туман, шаҳар шифохоналарининг ўзида аксар шифокорлар беморларга фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган қиммат дориларни ёзиб, камига қайси дорихонадан олишини ҳам айтиб ўтишади. Дори маҳсулотлари қимматлиги сабаб, маблағи етарли бўлмаганлар ўрнига таркиби ўхшаш ёки бир хил, бази ҳолларда ишонарсиз бўлган дори маҳсулотларини қабул қилади. Кейин эса, “Одамларнинг ўзи айбдор бошқасини олмасин эди”, деб ўз хатти-ҳаракатларини хаспўшлашга уринишади. Шундай вазиятларда Американинг Президенти Р.Рейганнинг: “Биз ҳар сафар қонун бузилганида, қонун бузувчи эмас, балки жамият айбдор деган фикрни рад этишимиз



керак. Ҳар бир шахс ўз ҳаракатлари учун ўзи жавобгар”, деган гаплари беихтиёр ёдга келади.

Дори-дармон маҳсулотлари сотувини тартибга солувчи ташкилотлар уларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлаштириш ишларида бир қатор камчиликларга йўл қўяди. Жиноят ҳуқуқида эҳтиётсизлик сифатида қўрилувчи ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик натижасида оғир оқибатлар келиб чиқишига сабабчи бўлиб қоладилар.

Ушбу мақола доирасида дори воситалари айланмаси соҳаси ва жавобгарлик масалаларида таклифларимни киритиб ўтишим зарур деб ҳисоблайман.

Биринчидан, юқоридаги каби ҳолатлар яна такрорланмаслиги учун, дори воситалари ишлаб чиқариш, уларнинг фаолияти билан ҳаракатларни амалга оширишга рухсат бериш ва асосийси тиббиёт тизими соҳасини қатъий назоратга олиш зарур деб ҳисоблайман. Бунинг учун масъул органлар тегишли текширувларни ўтказишда ўз ишларига нисбатан масъулдорликни ҳис этишлари, коррупсион ҳолатларга аёвсиз қарши бўлишлари лозим. Тиббиёт тизимидаги барча бўғинларда электрон ретсепт бериш тизимини жадаллаштириш, ҳар бир шифокор ўзи ёзаётган ретсептига масъул эканлиги алоҳида белгиланиши, кимга қандай ретсепт ёзилаётганлиги, сабаблари, касаллик ҳолатлари кўрсатиб ўтилган махсус тизим яратилиши ва унинг фаолияти назоратга олиниши даркор. Ана шунда қайси беморга қачон, ким томонидан, қайси касаллик учун қандай ретсепт ёзилганлиги факти ҳар қачон мавжуд бўлади. Бемор ретсепт асосида дори маҳсулотини ҳарид қилганида ўз-ўзидан у қайси дорихонадан олингани автоматик қайд этиб борилади. Қўшимча равишда даволовчи шифокор томонидан беморнинг ушбу дори воситасига нисбатан реакцияси қандай эканлиги ҳақида ҳам маълумотлар киритиш йўлга қўйилса, ҳар қандай дори тавсия этувчи тиббиёр ходимида беморнинг қайси воситага қандай реакцияси борлиги ҳақида маълумот бўлади. Тизим албатта реал вақт режимида ишлайди.

Иккинчидан, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш тартибини бузганлик учун аввал маъмурий преюдиция бекор қилиниб, ушбу қилмишни содир этганлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан тўғридан тўғри жавобгарликка тортилиши назарда тутилиши лозим. Чунки ушбу масалада энг аввало инсонлар соғлиғи туради. Қилмиш учун жазо чораси қатъий бўлмас экан, уни бузилиш ҳолатлари кўпайиб бораверади. Нима учун бизда пора олиш, бериш, воситачилик қилиш жиноятларида маъмурий преюдиция йўқ? Сабаби, ушбу жиноятлар катта оқибатларни келтириб чиқариши мумкин ва шунинг учун тўғридан тўғри жиноий қилмиш сифатида баҳоланади.

Учинчидан онлайн дори маҳсулотлари сотиш фаолияти борасида назоратни кучайтириш лозим. Контрафакт ишлаб чиқарувчилар ва лицензиясиз дори воситалари ишлаб чиқарувчилар кўп ҳолда онлайн савдо билан шуғулланган ҳолда ўз



маҳсулотларини сотишлари мумкин. Бунда дори воситасини бевосита кўриб олиш ва уни қайтариш масалаларида муаммолар юзага келиши мумкин.

Якуний сўз ўрнида Интерполнинг дори маҳсулотлари сотиб олишда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги тавсиялари билан бўлишмоқчиман:

- Ҳеч қачон номаълум веб-сайтлардан ёки бозорлардан дори сотиб олманг;
 - Дори-дармонларни фақат ҳақиқийлик сертификатини кўрсатадиган лицензияланган етказиб берувчилардан сотиб олинг. Агар сиз етказиб берувчининг маълумотлари ҳақида ишончингиз комил бўлмаса, маҳаллий соғлиқни сақлаш органида рўйхатдан ўтган диспансерлар рўйхатини текширинг. Бу онлайн ва офлайн етказиб берувчиларга тегишли;
 - Ретсептлар - фақат шифокор ёки соғлиқни сақлаш мутахассиси томонидан буюрилган дори-дармонларни сотиб олинг. Анкеталар асосида ретсептлар таклиф қиладиган ёки контактли фарматсевтга ега бўлмаган веб-сайтлардан харид қилманг;
 - Турли ваъдал берувчи дорихона ёки шунга ўхшаш ерлардан дори сотиб олишда эҳтиёт бўлинг;
 - Нарх-нарни одатда сотиб оладиган маҳсулотлар ёки таниқли провайдерлар билан текширинг. Агар у сезиларли даражада арзонроқ бўлса, бу сохта бўлиши мумкин;
 - Маҳсулот-дори-дармонларни одатдаги ретсепт бўйича солиштиринг.
- Дори сохта, агар:
- У жуда кўп, жуда оз ёки ҳар хил ингредиентларни ўз ичига олади;
 - Бошқа шакли, ўлчами, таъми ёки ранги бор;
 - Тўғри этикетланмаган ёки умуман этикетланмаган;
 - Эскирган ёки яроқлилик муддати кўрсатилмаган;
 - Дори-дармонларни қандай сақлаш ҳақида маълумот йўқ;
 - Қадоқ ўрами ҳолати ёмон;
 - Пакетда ёки кўрсатмаларда имло ёки грамматик хатолар мавжуд.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/-111453>
2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-55-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5834287>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-20-сонли Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/6774915>
5. Газета.уз янгиликлар сайти. <https://www.gazeta.uz/>
6. <https://www.pharmaceuticalcommerce.com/>
7. <https://www.interpol.int/>